



## IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

[www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

+998971 244-35-36

[www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

@moturidiyuz

info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqlidir.



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давропбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари  
бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июньдаги  
03-07/4601-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.



### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

**Жамолиддин Каримов,**

*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Масъул муҳаррир:

**Зафар Фахриддинов,**

*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

Саҳифаловчи:

**Зарифжон Арслонов**

Дизайнер:

**Зарифжон Ғуломов**

“Мотуридийлик” журнали

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-  
сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Ibrohim Usmonov.**

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика)..... 4

**Zafar Fakhriddinov.**

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари ..... 13

**Numonjon Turayev.**

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби..... 20

**Doston Mustafayev.**

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти ..... 28

### ДИНШУНОСЛИК

**Komiljon Shermukhammedov.**

Мисрдаги “Муслмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил ..... 36

**Shukrullo Jurayev.**

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши ..... 46

**Dilfuza Zakirova.**

Динлардаги таъқик тушунчасига доир қарашлар таҳлили ..... 55

**Elyorjon Saminov.**

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич ..... 63

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Muzaffarkhon Joniyev.**

Совет даврида Ўрта Осиё муслмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар)..... 70

**Oybek Sotvoldiyev.**

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи ..... 80

**Sayqal Ahmedov.**

Мовароуннаҳр мўғуллар ҳукмронлиги даврида ..... 87

### ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

**Doniyor Muratov.**

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари ..... 94

**Mas’udkhon Ismoilov.**

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирқа” рисоласининг исломдаги фирқаларни ўрганишдаги аҳамияти ..... 104

**Zokhidjon Abdullayev.**

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари ..... 112

**Saidmuhammadkhon Muhibullayev.**

Қамолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит ..... 122

**Maftuna Muminova.**

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g’oyalarning manbaviy va milliy asoslari..... 130

**Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.**

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufasssal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi ..... 137

**Sayqal A. AHMEDOV,**

*Doctoral student of the International*

*Islamic Academy of Uzbekistan.*

*A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.*

*E-mail: [Ahmedov1981s@gmail.com](mailto:Ahmedov1981s@gmail.com)*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/11**

## **МОВАРОУННАХР МЎҒУЛЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА**

### **MOVAROUNNAHR DURING THE MONGOL RULE**

### **МАВЕРАННАХР В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ МОНГОЛОВ**

#### **КИРИШ**

XIII асрнинг биринчи чорагида мўғуллар Мовароуннахрни босиб олгач, қадимий маданиятга эга бўлган бу ўлка халқлари ҳаётида инкироз даври бошланди, мўғулларнинг босқини ҳудуддаги илм-фан, таълим ва маданият ривожининг кейинги босқичини анча орқага суриб юборди.

Мўғулларнинг Мовароуннахр аҳолиси бошига солган кулфатлари ҳақида Херман Вамбери: "...унинг аҳолисини қириб ташлади, кўп асрлар мобайнида ўз маданиятининг юқори босқичига эга бўлган турмуш тарзини шундай бир ваҳшийликка қулатдики, бу даҳшат унинг шонли ўтмишини ва кейинги истиқболини йўққа чиқарди", деган эди (Насруллаев Н., 2020).

Мўғул босқинининг тирик шохидига айланган тарихчи Ибн Асир (1160-1234) куйидагиларни ёзади: "Мўғул босқинчилари ҳеч кимга раҳм қилмас, хотинларни, эркакларни, болаларни, шафқатсизлик билан ўлдирар, ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб, туғилмаган гўдакларни бошини кесар эдилар. Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар йўқ. Улар ҳамма жойни харобага айлантлар, бирор нарсанинг олдидан ўтсалар, уни талон-тарож қилар, кўзларига ёмон кўринган барча нарсани ёндира эдилар" (Ибн ал-Асир, 2006:366).

XIII аср бошларидан Чингизхон қўшни давлатлар ва хонликларни босиб олишга ҳаракат қилди. Жумладан, 1206 йилга қадар Гоби саҳросидаги қабилалар бўйсундирилган бўлса, 1206–1211 йиллар давомида Сибирь ва Шарқий

Туркистон эгалланди. Мўғул саркардаларидан Хубилай Еттисувнинг шимолий ҳудудларини ишғол этиб, Хоразмшоҳлар давлати чегараларига яқинлашади. 1211 йилга келиб, уйғурлар ери эгалланди ва Чингизхон Хитойга ҳужум бошлади. 1217 йилда Хуанхе дарёсининг шимолидаги барча ерлар мўғуллар тасарруфига ўтди. 1218 йилда эса муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан бири Еттисувнинг ғарбий қисми эгалланди. Чингизхон юқоридаги ҳудудларни қўлга киритиб, ўз давлатини марказлаштиришга эришди. Шунингдек, Чингизхон Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири, хоразмшоҳлар давлатига юриш бошлади (Асророва Л.).

Бу даврда хоразмшоҳлар давлати ўзаро ички низолар туфайли мураккаб вазиятга тушиб қолган, таназзулга юз тутта бошлаганди. Унинг ҳукмдори Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳокимият бошқарув тизимида рўй берган ўзаро ихтилофларга кескин чоралар қўллаш олмади (Ойдин Тонарий, 1999:128). Хусусан, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг расмий сиёсати унинг онаси Туркон хотун ва йирик қавмлардан бири қипчоқлар томонидан қўллаб-қувватланмади, натижада сиёсий мавқега эга бўлган доимий муҳолиф кучлар вужудга келди. Шунингдек, маҳаллий ҳукмдорлардан иборат бек ва ҳокимлар марказий ҳокимият билан ҳисоблашмай қўйди ва халққа жабр-зулм ўтказди. Бу ҳолат халқнинг норозилигига сабаб бўлди ҳамда тартибсиз ғалаёнларни келтириб чиқарди (Шихобиддин Муҳаммад Насавий, 1999:120).

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг 1217 йилда Бағдодга қўшин тортиши султон Носирнинг Чингизхондан махсус элчилар орқали ёрдам сўрашига сабаб бўлган. Султон Носирнинг бундай ҳаракати мўғулларни Мовароуннахр ерларига бостириб киришини тезлаштирди (Прозоров С., 2007).

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Мирзо Улуғбек ўзининг "Тўрт улус тарихи" асарида қуйидагиларни келтиради: "...Ўтроннинг бутун аҳолиси саҳрога ҳайдаб чиқилиб, қатл қилинди. Ҳисор эса ер билан яқсон бўлди. Тирик қолганлардан, раият ва хунармандларнинг баъзилари ҳибсга олиниб, баъзилари қул қилиб ҳайдаб кетилди" (Мирзо Улуғбек, 1994).

1220 йилнинг февралда Чингизхон қўшини Бухорога етиб келди. 12 кунлик қамалдан сўнг Бухоро забт этилди. Мўғуллар ёндирилган, кули қўққа соғурилган шаҳарни эгаллагач, шаҳар

**Аннотация.** XIII аср бошларида Мовароуннахрнинг Чингизхон томонидан босиб олинishi ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг таназзулга юз тутishiга олиб келди. 1215 йилда Чингизхон Хитойни босиб олгандан сўнг Мовароуннахрга бостириб кирди, бунинг натижасида мазкур юрт аҳолиси ҳалокатли йўқотishi, оммавий қиргин, вайронагарчилик, талончилик, асирлик ҳамда сургунга дучор бўлди. Мўғул босқинчилари ҳеч кимга раҳм қилмас, хотинларни, эркакларни, болаларни, шафқатсизлик билан ўлдирдилар. Улар шаҳарларни талон-талож қилиб, харобага айлантирдилар. Чингизхон вафотидан олдин ўзи эгаллаган улкан ҳудудларни ўғиллари орасида тақсимлаб берди. Хитой ва Мўғулистон – Ўқтойга, Тулуйга Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон, Чигатойга эса, Мовароуннахрдан то Шарқий Туркистонгача бўлган катта ўлка теғди. Босиб олинган ҳудуд халқларини ягона ҳукмдор қўл остида бошқариш мўғуллар учун тобора мушкуллашиб, кейинчалик турли норозиликларни келтириб чиқара бошлади. Бу ҳолат Олтин Ўрда хонлари ва улар тасарруфига киритилган ҳудудлар ўртасида ҳам содир бўла бошлади. Мазкур мақолада Чингизхон қўшинининг Мовароуннахрни босиб олиши, мўғуллар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт, босқинчиликнинг оқибатлари ҳамда мўғуллар ҳукмронлигининг таназзулга юз тутishi тарихий-тадрижий равишда очиб берилади.

**Калим сўзлар:** мўғул босқини, хоразмшоҳлар, хонликлар, Чингизхон, Чигатой, Жалолиддин Мангуберди.

**Abstract.** At the beginning of the 13th century, the conquest of Mawarannahr by Genghis Khan led to the decline of social, economic, and cultural life. After conquering China in 1215, Genghis Khan invaded Mawarannahr, which resulted in a catastrophic loss, massacre, devastation, plunder, captivity, and exile. Mongolian invaders killed women, men, and children mercilessly. They plundered the cities and turned them into ruins. Before his death, Genghis Khan divided the vast territories he had occupied among his sons. Oktoy was given China and Mongolia, Tuluy was given Khorasan, Iran, and India, and Chigatai was given a large land from Mawarannahr to Eastern Turkestan. It became more and more difficult for the Mongols to rule the peoples of the occupied territory under a single ruler, and later it began to cause various protests. This situation began to happen between the Khans of the Golden Horde and the territories under their control. In this article, Genghis Khan's army's conquest of Mawarannahr, socio-economic and political life during the Mongol period, the consequences of the invasion, and the decline of Mongol rule are revealed historically and gradually.

**Keywords:** Mongol invasion, Khwarizmshahs, khanates, Genghis Khan, Chagatai, Jalaluddin Manguberdi.

**Аннотация.** В начале XIII века завоевание Мавераннахра Чингисханом привело к упадку социальной, экономической и культурной жизни. После завоевания Китая в 1215 году Чингисхан вторгся в Мавераннахр, что привело к катастрофическим потерям, резне, опустошению, грабежу, пленению и изгнанию людей. Монгольские захватчики безжалостно убивали даже женщин и детей. Они разграбили города и превратили их в руины. Перед смертью Чингисхан разделил обширные территории, которые он занимал, между своими сыновьями. Уездей получил Китай и Монголию, Тулуй – Хорасан, Иран и Индию, а Чагатай – большую землю от Мавераннахра до Восточного Туркестана. Монголам становилось все труднее управлять народами оккупированной территории под единым правителем, что впоследствии стало вызывать различные протесты. Такая ситуация стала происходить между ханами Золотой Орды и подконтрольными им территориями. В данной статье исторически и поэтапно раскрываются завоевание армией Чингисхана Мавераннахра, социально-экономическая и политическая жизнь в монгольский период, последствия нашествия, упадок монгольского владычества.

**Ключевые слова:** монгольское нашествие, хорезмшахи, ханства, Чингисхан, Чагатай, Джалалуддин Мангуберди.

химоячиларини бутунлай қириб ташладилар. Тарихчи Рашидиддиннинг маълумотларига кўра, Бухорони босиб олган Чингизхон кўшинлари шаҳар омборхоналарини очиб, ғаллаларни таладилар. Нодир хаттотлик услубида кўчирилган Курьон нусхалари сақланган сандиқлар эса отлар учун охур қилинди (Ибн ал-Асир, 2006).

Тарихчи олим Мирхонд “Равзату-с-сафо” (Поклик боғи) асарида Нишопур ва унинг атрофидаги аҳолидан бир йўла бир миллион қирк етти минг киши қириб ташланганини айтиб ўтади (Мирхонд, қўлёзма № 2063).

Алоуддин Бухорий эса “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарида олимлар “мажуз” хирожи тўлагани сабабли илмни тарк этиб, касб-хунар билан шуғуллана бошлаганини таъкидлайди.

Мағлубиятга учрашини билган Хоразмшоҳ Каспий денгизидаги Ашура оролига қочади ва ўша ерда катта ўғли Жалолиддинни тахт вориси этиб тайинлаб, 1220 йилнинг декабрида вафот этди (Иброҳимов Н., 1993).

1221 йил бошларида Жўжи, Чигатой ва Ўқтой кўшини Гурганчни эгаллайди ва мўғуллар барча

эркаклар ҳамда болаларни қиличдан ўтказдилар. Аму тўғони бузилади, Гурганч сув остида қолади. Шаҳардаги узоқ асрлик маънавият дурдоналари, қимматли қўлёзмалар, китоблар сақланиб келган кутубхоналар, барча ноёб асори-атиқалар ер билан яксон этилди.

Мовароуннахрнинг асосий шаҳарларини босиб олган мўғуллар 1221 йил давомида Хуросон ўлкаси ҳудудлари томон ҳужум бошлаб, бирин-кетин Балх, Термиз, Марв, Нишопур, Ҳирот, Мозандарон каби шаҳар ва қалъаларни босиб олди.

Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолоддин Мангубердига қарши шахсан ўзи қўшин тортди. 1221 йил 25 ноябрда Синд (Ҳинд) дарёси бўйида жанг бўлди. Бу жангда Жалолоддин Мангуберди жасорат кўрсатиб, мўғул ҳукмдорини лол қолдирди. “Қайси томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у султон Жалол (уддин)-нинг қўлини ўпган бўларди”. Чингизхон лашкари ҳисобсиз бўлса-да, унинг жанг майдонидаги асосий кучлари пароканда ҳолга тушиб қолганди. Бироқ пистирмадаги 10 минг нафар сара лашкар жанг оқибатини Чингизхон фойдасига ҳал қилди. Жалолоддин қора тўриқ отига миниб, сўнгги бор мўғулларга ҳамла қилиб, сўнг от жиловини ортга тортди ва баландликдаги қоядан ўзини Синд дарёсига отди. Жалолоддин дарёни кечиб ўтиб нариги соҳилга ўтиб олди. Унинг тўрт минг жангчиси ҳам бунга муваффақ бўлди (Мирзо Улуғбек, 1994:182-184).

Жалолоддин Мангуберди Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Кавказ орти ҳудудларида тўсатдан пайдо бўлиб, янгидан халқ лашкарларини жамлаб, мўғул босқинчиларига қарши курашди. 1231 йилнинг август ойида Озарбайжон ҳудудида ҳалок бўлди (Маллаев Н., йили кўрсатилмаган).

Чингизхон вафотидан олдин ўзи эгаллаган улкан ҳудудларни ўғиллари орасида тақсимлаб берди. Хитой ва Мўғилистон – Ўқтойга, Тулига Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон, Чиғатойга эса, Мовароуннахрдан то Шарқий Туркистонгача бўлган катта ўлка тегди (Насруллаев Н., 2020:23).

Чиғатой Чингизхон ўғилларининг орасида энг ҳурматга сазовори эди. Чиғатой исломга қарши бўлиб, одамларни шариятга тўғри келмайдиган талабларни бажаришга тарғиб қиларди. Чиғатой бошқарган ҳудуд катта бўлишига қарамай, Чиғатой улуси унинг вафотидан кейин ташкил этилди. Чиғатой хонлигини амалда

ташкил қилган Чиғатойнинг набираси Алуғу Хоразм, Фарбий Туркистон ва Афғонистонни қўлга киритиб, Мовароуннахрда ҳукмронлик қилди (Асророва Л.).

Босиб олинган ҳудуд халқларини ягона ҳукмдор қўл остида бошқариш мўғуллар учун тобора мушкуллашиб, кейинчалик турли норозиликларни келтириб чиқара бошлади. Бу ҳолат Олтин Ўрда хонлари ва улар тасарруфига киритилган ҳудудлар ўртасида ҳам содир бўла бошлади. Шунга қарамасдан, хон Тўхтамиш (ваф. 1406) Элхонийлар, Озарбайжон, Кавказорти, турк Мамлуқлари ва Усмонлилар билан илик муносабатда бўлиб, ҳар томонлама мустаҳкам алоқалар ўрната олди (Насруллаев Н., 2020:24).

Мўғулларнинг исломни қабул қилишида олимларнинг ўрни катта бўлган. Жумладан, Ботухоннинг кичик укаси Берка хон мутасаввиф олим Сайфиддин Бохарзий (1190-1261) таъсирида ислом динини қабул қилди. У мўғул хонлари томонидан “Шайхул-олам” номини олади. Бухоро эса, шу даврдан “Бухорои шариф” дея аталди. Мунка хоқоннинг онаси Суркутой Беги Бухорода “Хония” мадрасасини қурдириб, уни бошқаришни Бохарзийга топширди ва даромадларини вақф қилиб берди (Чехович О., 1965:9).

Кўчманчи ҳаёт тарзига ўрганган Чиғатой улуси мўғуллари ўлкамизнинг ўтроқ ҳаётига узоқ вақтгача мослаша олмади. 1266 йил Чиғатой хонларидан Муборакшоҳ ҳам очик тарзда исломни қабул қилди (Массэ А., 1963:182).

## МУҲОКАМА

Мовароуннахрда IX–XII асрларда юксалиб улгурган илм-фан ва маданият ҳамда ривожланиб келаётган саноат, зироатчилик мўғуллар босқини туфайли издан чикди. Йирик сарой ва иншоотлар аввалги кўринишларини йўқотиб, харобага айланди. Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо алоқалари тўхтаб, минтақа анча муддат ўзига кела олмади. Аҳолининг кўп қисми қириб ташланган, бир қисми мўғул аскарлари сафига қўшилган ва яна бошқалари Мўғулистонга ишчи куч сифатида ҳайдаб кетилган эди. Гарчи мўғуллар Осие ва Шарқий Европадаги катта ҳудудларни қўлга киритган бўлсалар-да, ўз юртларидаги аҳвол тобора заифлашиб боргани кузатилади. Чингизхон ва унинг ворислари олиб борган талончиликлардан фақат мўғул мулкдорлари бойиди. Бу урушлар мўғул кўчманчи, чорвадор

ва куйи табақаларининг сармоядорларга бутунлай қарам бўлишига олиб келди. Натижада мўғуллар юртида аҳоли сони камайиб кетиши, заифлашиш, ишлаб чиқариш кучларининг етишмаслиги сабаб ўзаро бўлинишлар юзага келди. XIV аср ўрталаридан то XVI асрнинг иккинчи ярмигача Мўғулистон катта худудларга ажралиб, мамлакат доимий урушлар гирдобидида қолди. Мовароуннаҳрда бу инқироз қарийб юз эллик йил давом этди. XIV асрнинг биринчи ярми мана шу инқирозларнинг охириги даври бўлиб, нисбий бўлса-да ривожланиш кузатилади (Насруллаев Н., 2020:27–28).

### НАТИЖА

XIV аср биринчи ярмига келиб, Чиғатой улусида мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни тезлашди ва уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Чиғатой хонларидан бўлган Кебекхон (1318-1326) Мовароуннаҳрнинг маҳаллий зодагонлари ва олимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва ўтроқ ҳаёт кечиришга интилди. Кебекхон фақиҳ, воиз Бадруддин Майдоний билан бўлган суҳбатдан сўнг фақиҳга ва барча мусулмонларга ғамхўрлик кўрсата бошлаган (Иброҳимов Н., 2012:370). У Қашқадарё воҳасида жойлашган қадимги Насаф шаҳридан икки фарсах узоқликда ўзига махсус қароргоҳ қурдирди. Ушбу қароргоҳ – Қарши (сарой) деб номланиб, Чиғатой улусининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган марказ шаҳарларидан бирига айланди. Кебекхон улусни марказлаштириш ва ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида маъмурий ҳамда иқтисодий соҳаларда ислохотлар ўтказди. У дастлаб, мамлакатни туманларга бўлиб, уларни ноиблар орқали идора этиш тартибини жорий этди.

Мовароуннаҳр пул тизими билан қўшни давлатларнинг бирликлари турлича бўлгани сабаб, иқтисодий муносабатларда жиддий муаммолар юзага келган эди. Кебекхон бу каби муаммоларга чек қўйиш мақсадида пул ва маъмурий-иқтисодий ислохотларни ўтказди. Худди қўшни Эронда бўлгани каби динор ва дирҳам зарб қилинди. Жорий қилинган танга бирликлари “кепек” номи остида Темур даврида ҳам муомаллада бўлди. Бу билан пул муомаласидаги чалкашлиқлар, маҳаллий амалдор ва савдогарларнинг ғайри қонуний ҳаракатларига чек қўйилди (Рыбаков Р., 2002:411–412).

Натижада ички савдо-сотик тартибга солиниб, ташқи савдо муносабатлари яхшиланади.

Мўғуллар ҳукмронлиги Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари қатори Насафда ҳам катта талофатларга юз тутиб, ўз тарихида фақат Кебекхон давридан бошлаб илк марта пойтахт сифатида эътироф этилди. Насаф шаҳри пойтахт шарафига жуда кам муддат эришган бўлса-да, унинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти катта эди. Денгиз йўллари маълум бўлгунга қадар, Афғонистон ва Ҳиндистонни, Россия ҳамда Европани бир-бири билан боғловчи муҳим қарвон йўлларининг айнан шу минтақадан ўтиши, унинг назорати Чиғатой улуси орқали бошқарилиши туфайли шаҳар чегаралари кенгайиб, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожини ўсиб борди (Насруллаев Н., 2020:32).

Босиб олинган худудларга келиб ўрнашган мўғуллар аста-секин ўтроқлашиб, маҳаллий турмуш тарзига мослаша бошладилар. Мўғуллар орасида туркийлашиш жараёни кучайиб, айни вақтда ислом динини қабул қилиш ҳам жадаллашди.

Бу орада Мовароуннаҳр тахти мўғул хонларидан Тармаширин ва Қозонхонлар томонидан ҳам идора этилди. Тармаширин Кебекхоннинг укаси бўлиб, Мовароуннаҳрда 1326–1334 йилларда ҳукмронлик қилди. Мўғул хонлари ичида Тармаширин исломни қабул қилгани учун “Алоуддин” лақабини олган. У ҳам ўз ўрнида адолатли подшоҳ бўлган.

1333 йилда Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута Чиғатой улуси хони Тармаширинни (1334-1376) масжидда учратганини алоҳида қайд этиб ўтади. Бу даврга келиб Мовароуннаҳрда ўрнатилган нисбатан сиёсий барқарорлик иқтисодий ҳаётнинг жонланишига, мўғуллар истилоси даврида хароб бўлган шаҳарлар, хунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончилик каби соҳаларнинг тикланишига олиб келди. Шаҳар вайроналари орасида маҳобатли иморат иншоотлар, масжид, мадраса, хонақоҳ, макбара, минора ва саройлар қад кўтара бошлади. Шаҳар бозорлари гавжумлашди. Савдо-сотик ва хунармандчилик марказларига айлана борган Андижон, Қарши, Урганч қайтадан таъмирланди. Олдинги мавқеини тиклаган Самарқанд, Бухоро, Шош ва Термиз сингари шаҳарларнинг ўзига хос меъморчилик қиёфаси шакллана бошлади. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаётининг жонланиши натижасида

мўғуллар истилоси даврида инкирозга юз тутган фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг тармоқлари ҳам тиклана борди. Бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилди (Асророва Л., 2020:34).

Бухоро шаҳрида бунёд этилган Баёнқулихон (1346-1358) мақбараси айнан шу даврга хос ёдгорликлардан бўлиб, XIV аср ўртасида Шайхул-олам Сайфиддин Бохарзий қабри яқинида қурилган. Мақбара биноси майда нақш ва сиркор кошинлар билан безалган зиёратхона ва кичик хилхонадан иборат. Сайфиддин Бохарзий мақбараси ҳам шу давр ёдгорликларидан бири саналади.

Мовароуннахрнинг қадимий марказларидан Хоразм ҳам қайта тиклана бошлади. Худуддаги Шайх Мухтор Валий мақбараси XIII аср охири XIV асрларда қурилган тарихий ёдгорлик бўлиб, у 1287 йилда Шайх Мухтор Валий вафотидан кейин барпо этилган. Қабр устига гумбазли дахма қурилиб, кейинчалик ҳужрали хонақоҳ билан кенгайтирилган. Мақбара ҳар хил ҳажмли ғишлардан тикланган бўлиб, ёғоч ўймакорлиги билан нафис безатилган тўрт эшик бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Кўхна Урганчдаги баландлиги 62 метрли минора XIII аср архитектурасининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Нажмиддин Кубро, Тўрабекахоним, Муҳаммад Башар мақбаралари эса, XIV асрнинг нодир меъморий ёдгорликлари сирасига қиради (Иброҳимов Н., 1993:8-9).

Маданий тикланиш, ободонлаштириш Самарқандда ҳам амалга оша бошлади. Машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси ҳам меъморчиликнинг гўзал намуналаридан бири сифатида тикланди. Шоҳизинда мажмуи шаҳар учун янги меъморий ечимлар, турли-туман нақшлар уйғунлигини жамлаган ўзига хос ижодий устахона вазифасини ўтади. Унда Амир Темурдан олдинги даврларда (1370 йилгача) бўлган маҳаллий меъморлик мактабларининг услуб хусусиятлари ва Соҳибқироннинг зафарли юришларидан кейин майдонга келган янги услублари уйғунлашган (Боқоний О., 2006:15-19).

Мовароуннахр худудида ҳукмронлик қилган мўғул хонлари маънавий ҳаётда оз бўлса-да, ижод аҳлига эътибор қаратдилар. Натижада уларнинг баъзилари мўғул саройларида яшаб, уларга атаб турли номалар, жумладан, “Чингизнома” ва

қасидалар ёздилар. Лекин бу қасидалар савияси унчалик тарихий ва бадиий-илмий аҳамият касб этмади. Шундай бўлса-да, XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилиб, илмий ва адабий жиҳатдан ноёб бўлган ижод намуналари мана шу даврга оид. Жумладан, Носириддин Рабғузийнинг “Қисас ал-анбиё” (Пайғамбарлар тарихи), туркий тилнинг хусусиятларини акс эттирган “Ўғузнома”, Хоразмий қаламига мансуб “Муҳаббатнома”, Низомий Ганжавийнинг Олтин Ўрда ҳаётига оид табиий манзараларни ўзида акс эттирган “Хусрав ва Ширин” достони, Сайфи Саройининг ижодига мансуб Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари таржимаси, туркий тилларнинг лингвистик хусусиятларига бағишланган “Тухфат аз-закия фи-л-луғат ат-туркия” (Туркий тилдаги заковатли тухфа) каби туркий халқларнинг тиллари билан боғлиқ асарлар айни мана шу асрларга мансуб. Шайх Шарифийнинг шеърини йўлда битилган “Муин ал-мурид” (Муридга ёрдамчи) китоби ҳам 1313 йили Хоразмда ёзилган бўлиб, Олтин Ўрда ўзбек хонлари ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ноёб адабий ёдгорлик саналади (Насруллаев Н., 2020:25).

XIII–XIV асрларда тарихшунослик ривожига муайян ютуқлар қўлга киритилди. Тарихшунос Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонқушо” (Жаҳон фотиҳлари тарихи), Жузжонийнинг “Табақоти Носирий” (Носирий табақалари), Рашидидин Фазлуллоҳнинг “Жоме ат-таворих” (Тарихлар тўплами) асарлари мўғуллар истилоси ва ҳукмронлиги даври тарихини чуқур ўрганишда қимматли манбалар ҳисобланади.

XIII аср охири – XIV асрнинг ўрталаригача бўлган доир Мовароуннахрнинг бир-бирига душман бўлиб келган майда элларга бўлиниб кетиши, шунингдек, мўғул хонларининг бутун Мовароуннахрни қайта босиб олишга интилиши билан характерли. Ниҳоят, Қашқа воҳасидан тарих саҳнасига барлос амирларидан Амир Темур чиқди. Темур Мовароуннахр сиёсий майдонига кириб, Чингиз авлодлари ҳукмронлиги барҳам топди. Мовароуннахрдаги Чингизхоннинг охириги авлодлари ўзаро тарқоқликка учраб, сиёсий вазият анча оғирлашиб борди. Қисқа вақт ичида яна мустақкам давлатни вужудга келтирган Амир Темурнинг ҳокимлиги ана шундай шароитда бошланди. Темур даврида Қарши сиёсий курашларнинг гувоҳига айланиб турса-да, минтақада иншоотлар барпо этиш, улар атрофини ободонлаштириш ишлари бошланди. Темур ва унинг авлодлари даврида Насаф атрофида муҳим

ижтимоий-маданий ўзгаришлар содир бўлиб, шаҳар Ўрта Осиёнинг йирик маданият марказига айланиб, ҳар томонлама ривожланиб борди. Кейинчалик бу ижобий жараёнлар тарихда иккинчи “Шарқ Уйғониш даври” деб эътироф этилди (Насруллаев Н., 2020:37–38).

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқ этилаётган асрларда Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий босқинлар гирдобидида қолган, илмий-маънавий фаоллик кескин пасайган даврга тўғри келади. Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилик юришлари ҳудуддаги тараққиётни тубдан издан чиқарди. Бу инқироз қарийб юз эллик йил давом этди. XIII аср 60-йилларидан бошлаб Мовароуннаҳрда нисбатан ўрнатилган ижтимоий-сиёсий барқарорлик кўплаб соҳаларнинг қайта тикланишига туртки берди. Айниқса, Мовароуннаҳр тахтини бошқарган сўнгги мўғул хонларидан Кебек ва Тармаширин даврида нисбатан мўътадил вазият кузатилади. Шаҳар XIV асргача Нахшаб, Насаф номлари билан аталар эди. Насафнинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашиши шаҳарнинг савдо-сотик, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик соҳаларида ривожланиб, тез оёққа туриб олишига сабаб бўлди.

Ниҳоят, тарих саҳнасида Амир Темурнинг чиқиши билан Мовароуннаҳрда бунёдкорлик, маданият, илм-фан ривожланиши юксак чўққига кўчарилди. Шаҳарларда катта қурилишларга асос солинди. Масалан, “Кўксарой”, “Бибихоним мадрасаси”, “Шоҳи Зинда”, “Улуғбек мадрасаси”, “Тўри Амир”, “Боғи Чинор”, “Боғи Шамол”, “Боғи Дилқушо”, “Боғи Беҳишт” каби бино, минора, сарой ва боғлар бунёд этилди. Шаҳар атрофида кенг йўллар, кўприклар, қарвон манзиллари, бозор, савдо расталари, Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилиб, каналлар қазилди. Мадраса, масжид, хонақоҳ ва зиёратгоҳларнинг қурилиши ҳам сон-саноксиз эди.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Боконий О. (2006). Мухташам меъморий гулдasta // Ҳидоят. Тошкент, № 7.
2. Ибн ал-Асир. (2006). Ал-Камил фи-т-тарих (Полный свод истории) / Пер., примеч. и коммент. П.Г. Булгакова, дополнение, введ. и указат. Ш.С. Камолитдина. Ташкент-Цюрих.
3. Иброҳимов Н. (2012). Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тошкент: Шарқ.

4. Иброҳимов Н. (1993). Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент: Шарқ баёзи.
5. Лен-Пуль Стэнли. (1996). Мусулманские династии / Пер. с англ. Прим. В.В.Бартольда. // Сб. Абуль-Гази-Багадур-хан. Родословное древо тюрков. Иоакимф. История первых четырех ханов дома Чингисова. Москва.
6. Массэ А. (1963). Ислам очерк истории / Перевод с французского Н.Б. Кобринио и Н.С. Луцкой. Москва: Издательство Восточной литературы.
7. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон, 1994.
8. Асророва Л. Алоуддин Бухорий “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори...дис. автореф.
9. Мирхонд. Равзату-с-сафо. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлэзмалар фонди. №2063.
10. Насруллаев Н. (2020). Лутфуллоҳ Насафийнинг илмий-маънавий мероси / монография Н.Насруллаев. Тошкент: Tafakkur.
11. Ойдин Тонарий. (1999). Жалолитдин Хоразмшоҳ ва унинг даври / Таржимон: Бобоҳон Муҳаммад Шариф. Тошкент: Шарқ.
12. Прозоров С. (2007). Интеллектуальная элита Мавараннаҳра и Хурасана накануне монгольского нашествия (по материалам рукописи биографического словаря ал-Андарасбани, 2-ая половина XII в.) / International Conference on Islamic Civilization in Central Asia. Астана.
13. Рыбаков Р. (2002). История Востока. // Т.П. Восток в средние века. Москва: Восточная литература.
14. Чехович О. (1965). Бухарские документы XIV в. Тошкент: Наука
15. Шихобиддин Муҳаммад Насавий. (1999). Султон Жалолитдин Мангуберди ҳаёти / Таржимон: К.Матёқубов. Тошкент: Ёзувчи.

### REFERENCES

1. Boqoniy O. (2006). Muhtasham me'moriy guldasta // Hidoyat. Tashkent. № 7.
2. Ibn al-Asir. (2006). Al-Kamil fi-t-tarix (tarix haqida to'liq kitob) / tajima qilgan ,sahrxlagan -P.G. Bulgakova, to'ldiruvchi, tahrirchi Sh.S. Kamoliddin.Tashkent-Tsyurix.
3. Ibrohimov N. (2012). Ibn Battuta. Sayohatnoma. Tashkent: "Sharq" publishing house.
4. Ibrohimov N. (1993). Ibn Batuta va uning O'rta Osiyoga sayohati. Toshkent: "Sharq bayozi" publishing house.
5. Len-Pul Stenli. (1996). Musulmon sulolalari / inglizchada tarjima Prim. V.V.Bartold. // Сб. Abul-G'oziy-Bahodirxon turkey xalqlar shajarasi . Ioakinф." Ilk 4 xon tarixi" "chingisova". Mascow.
6. Masse A. (1963). Islam tarixidan ocherklari/ translated from French by N.B. Kobrinio N.S. Lutskoi. Moscow: "East" publishing house.

7. Mirzo Ulug'bek. To'rt ulus tarixi. Tashkent: "Cholpon" publishing house, 1994.
8. Asrorova L. Alouddin Buxoriy "Hayratu-l-fuqaho" asarining islom manbashunosligida tutgan o'rni: doctor of philosophy in history... dis. author.
9. Mirxond. Ravzatu-s-safo. Manuscript fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan. №2063.
10. Nasrullaev N. (2020). Lutfulloh Nasafiyning ilmiy-ma'naviy merosi / monografiya. Tashkent: Tafakkur.
11. Oydin Tonariy. (1999). Jaloliddin Xorazmshoh va uning davri / Translator: Baba Khan Muhammad Sharif. Tashkent: East.
12. Prozorov S. (2007). Mo'g'ullar bosqini arafasida Mavarannahr va Xurosonning intellektual yelitasi (al-andarasbaniyning biografik lug'ati qo'lyozmasi asosida biografik XII asr 2- yarmi) /. Astana. Central Asian Islamic Crisis Civilization People's Conference
13. Ribakov R. (2002). sharq tarixi. // V. II. East in the Middle Ages. Moscow: Oriental Publishing house.
14. Chexovich O. (1965). Buxoro xujjatlari XIV v. – Tashkent: "fan" Publishing house.
15. Shihobiddin Muhammad Nasaviy. (1999). Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti / Translator: K. Matyokubov. Tashkent: Writing publishing house.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

**E-mail:** info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.